

**ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.27.06.2017.Tib.31.01 РАҚАМЛИ ИЛМЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**ХУДАЙБЕРГЕНОВ УЛУГБЕК АТАУЛЛАЕВИЧ**

**СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ БИРЛАМЧИ БЎҒИНИ ШАРОИТИДА КЕНГ  
ТАРҚАЛГАН УРОЛОГИК КАСАЛЛИКЛАРНИ ЭРТА ТАШХИСЛАШ  
ВА ПРОФИЛАКТИКАСИ**

**14.00.33-Жамият саломатлиги.Соғлиқни саклашда менежмент.**  
**14.00.31 -Урология**

**ТИБИЁТ ФАНЛАРИ**  
**ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

**Докторлик диссертацияси (DSc) автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской диссертации (DSc)**

**Content of the abstract of doctoral dissertation (DSc)**

**Худайбергенов Улугбек Атауллаевич**

Соғлиқни сақлаш бирламчи бўғими шароитида кенг тарқалган  
урологик касалликларни эрта ташхислаш ва профилактикаси..... 3

**Худайбергенов Улугбек Атауллаевич**

Ранняя диагностика и профилактика распространенных урологических  
заболеваний в условиях первичного звена здравоохранения..... 27

**Khudaybergenov Ulugbek Ataullaevich**

Early diagnostics and prophylaxis common urological diseases in  
conditions on first line of healthcare system..... 51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 55

**ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.27.06.2017.Tib.31.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**ХУДАЙБЕРГЕНОВ УЛУГБЕК АТАУЛЛАЕВИЧ**

**СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ БИРЛАМЧИ БЎҒИНИ ШАРОИТИДА КЕНГ  
ТАРҚАЛГАН УРОЛОГИК КАСАЛЛИКЛАРНИ ЭРТА ТАШХИСЛАШ  
ВА ПРОФИЛАКТИКАСИ**

**14.00.33-Жамият саломатлиги.Соғлиқни саклашда менежмент.**  
**14.00.31 -Урология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ**  
**ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси B2017.1.DSc.Tib123 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг([www.info@tipme.uz](http://www.info@tipme.uz)) ҳамда "ZiyoNet" ахборот-таълим портали ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчилар:**

**Маматқулов Бахрамжон**

тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Акилов Фархад Атауллаевич**

тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Аполихин Олег Иванович**

тиббиёт фанлари доктори, профессор (Россия)

**Ибрагимов Азиз Юлдашевич**

тиббиёт фанлари доктори

**Хамраев Атаджан Каримович**

Тиббиёт фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент педиатрия тиббиёт институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.31.01 рақамли Илмий кенгашининг 2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100007, Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек тумани Паркент кўчаси 51-уй. Тел./Факс: (+99871) 268-17-44); e-mail: [info@tipme.uz](mailto:info@tipme.uz), Тошкент врачлар малакасини ошириш институти мажлислар зали.)

Диссертация билан Тошкент врачлар малакасини ошириш институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100007, Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек тумани Паркент кўчаси 51-уй. Тел./Факс: (+99871) 268-17-44.

Диссертация автореферати 2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.

(2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Х.А.Акилов**

Фан доктори илмий даражасини берувчи  
илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари  
доктори, профессор

**Н.Н.Убайдуллаева**

Фан доктори илмий даражасини берувчи  
илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт  
фанлари номзоди, доцент

**Д.А.Асадов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт  
фанлари доктори, профессор

### **КИРИШ (докторлик диссертациясининг аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг (ЖССТ) маълумотларига кўра кейинги йилларда ер юзи аҳолисининг 4,5% дан 12% гача бўлган қисми сийдик-тош касаллиги (СТК) билан хасталанган, унинг йиллик ўсиши 1 миллион аҳолига 1500-2000 ҳолатга ошиб бормоқда<sup>1</sup> ва баъзи прогнозларга кўра яқин келажакда бундай беморлар сони 2 баробарга ортади. Шу билан бирга урологик касалликлар ичида сийдик йўллари инфекцияси (СЙИ) ва простата беи гиперплазияси етакчи ўринларни эгаллайди. «Ушбу касалликларнинг тарқалганлигини сўнгги йилларда ортиб бориши ҳаётнинг ижтимоий, маиший ва экологик шартларининг ўзгариши, аҳолининг урбанизацияси, гиподинамия, озиқ-овқат маҳсулотлари сифати ва таркибининг ўзгариши ва бошқа омилларга боғлиқ»<sup>2</sup>.

Жаҳонда сўнгги йилларда урологик касалликларнинг аҳоли саломатлигига салбий таъсири оқибатларига алоҳида эътибор берилмоқда. Урологик касалликларни тарқалганлигининг ҳақиқий кўрсаткичларини аниқлаш учун беморларни тиббий ёрдам олишга мурожаат этишларидаги маълумотларга таянмасдан, балки аҳолини мақсадли эпидемиологик текшириш тўлақонли маълумотлар бериши таъкидланмоқда. Бундай ёндашув натижасида аҳолининг тиббий активлигига салбий таъсир этиши эҳтимоли бўлган тиббий ёрдам кўрсатиш инфраструктурасининг ривожланганлик даражаси, тиббий ёрдамнинг оммабоплиги, аҳолининг умумий ва тиббий савияси, урф-одатлари ва менталитети каби бир қатор омиллар бартараф этилиши эътироф этилмоқда. Урологик касалликларнинг тарқалганлигини, унинг характерини ўрганиш экологик ноқулай вазият юзага келган (Оролбўйи) ҳудудларда долзарб ҳисобланади. Аниқланишича, Оролбўйи ҳудудидаги оғир экологик вазият ушбу ҳудуддаги аҳоли саломатлигининг кўрсаткичларини ёмонлашишига олиб келмоқда. Бу борада Оролбўйи ҳудудидаги сийдик тракти касалликлари ва эркаклар жинсий касалликларини ўрганишга ҳамда, касалланишни камайтиришга қаратилган илмий тадқиқотлар алоҳида аҳамият касб этади.

Урологик касалликларнинг тарқалганлигини, унинг характерини ўрганиш Ўзбекистонда, айниқса унинг айрим ҳудудларида: Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида муҳим аҳамиятга эга. Бундан келиб чиққан ҳолда илмий изланишларда бирламчи тиббий-санитария ёрдами (БТСЁ) муассасаларида сийдик йўллари инфекцияси касалликларини олдини олиш ва уларни барвақт аниқлаш, ўз вақтида амбулатория ва стационар шароитида сифатли ташхислаш ва даволаш тизимини ишлаб чиқиш,

<sup>1</sup>World Health Organization. Urolithiasis: fact sheet no. 153. World Health Organization website. 2014. [www.who.int/iris/handle/10635/242879](http://www.who.int/iris/handle/10635/242879).

<sup>2</sup>Riedi AK, Knubben-Schweizer G, Meylan M. Clinical findings and diagnostic procedures in 270 small ruminants with obstructive urolithiasis. // J Vet Intern Med. 2018 Apr 16. doi: 10.1111/jvim.15128.

даволашдан кейинги асоратларни камайтириш тиббиётнинг муҳим йўналишларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Қарори, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони билан тасдиқланган «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»<sup>3</sup>, ҳамда 2017 йил 29 мартдаги ПҚ-2857-сонли «Ўзбекистон республикасида бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятини ташкил этишни янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи**<sup>4</sup>. Урологик касалликларнинг тарқалганлиги ва скрининг текшируви билан эрта ташхислашга қаратилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлар ва олий таълим муассасалари, жумладан, Department of Urology, Division of Experimental Urology (Германия), Department of Epidemiology, Center for Molecular and Clinical Epidemiology of Infectious Diseases, (АҚШ), Division of Urology, Department of Clinical Science, Intervention and Technology, Karolinska Institutet (Швеция), Department of Urology, Chung-Ang University College of Medicine, Seoul, (Корея), Servicio de Urología, Fundació Puigvert, Barcelona (Испания), Istituto di Urologia, IRCC Ospedale Maggiore di Milano (Италия), Department of Urology, Haseki Training and Research Hospital, Istanbul (Туркия), Урология илмий текшириш институти (Россия) каби йирик тиббий марказларда ўтказилган.

Аммо ҳозирги кунгача жамоат соғлиғини сақлашнинг асосий вазифаларидан бири бўлган урологик касалликларнинг тарқалганлигини ўрганиш бўйича эпидемиологик ва клиник тадқиқотлар олиб борилаётганлигига қарамасдан, касалланиш даражаси ҳақида тўлақонли, ишончли маълумотлар етарли даражада эмас. Турли мамлакатларда олиб борилган илмий тадқиқотларда турли усуллардан фойдаланилган: Испанияда бутун мамлакат бўйича (Fundació Puigvert, Barcelona, Испания); турли ёшдаги гуруҳлар кесимида (Division of Experimental Urology, Германия; IRCC

<sup>3</sup> ЎЗР Президентининг 07.02.2017й.даги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони. Қонун ҳужжатлари тўплами.

<sup>4</sup>Диссертация бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: [www.esru.com](http://www.esru.com); [www.siu-urology.org](http://www.siu-urology.org); [www.upmc.edu/isa](http://www.upmc.edu/isa); [www.duj.com](http://www.duj.com); [www.medscape.com/urology](http://www.medscape.com/urology); [www.auanet.org](http://www.auanet.org); [www.usnews.com](http://www.usnews.com); [www.pringer.de/medic](http://www.pringer.de/medic); [www.uroweb.ru](http://www.uroweb.ru); [www.uro.ru](http://www.uro.ru); [www.urovizual.com](http://www.urovizual.com); [www.androclub.ru](http://www.androclub.ru); [www.antibiotic.ru](http://www.antibiotic.ru); [www.ksmed.ru/pat/urology.htm](http://www.ksmed.ru/pat/urology.htm); [www.medscape.com](http://www.medscape.com); [www.uroweb.org](http://www.uroweb.org).

Ospedale Maggiore di Milano, Италия); умумий амалиёт шифокорлари орасида (Center for Molecular and Clinical Epidemiology of Infectious Diseases, АКШ); худудий танлов скрининг усули ёрдамида эпидемиологик тадқиқотлар ўтказилган (Chung-Ang University College of Medicine, Корея; Intervention and Technology, Karolinska Institutet, Швеция) ва натижада урологик касалликларни турли мамлакатларда турлича тарқалганлиги аниқланган (Division of Experimental Urology, Германия; Center for Molecular and Clinical Epidemiology of Infectious Diseases, АКШ); урологик касалликларнинг тарқалганлиги эндемик хусусиятга эга эканлиги, унинг келиб чиқиши ва ривожланишида иқлим, географик жойлашув, жинс, ирқ, ижтимоий-иқтисодий, ирсий ва бошқа омилларга боғлиқлиги исботланган (Haseki Training and Research Hospital, Туркия; IRCC Ospedale Maggiore di Milano, Италия; Россия Федерацияси урология ИТИ, Россия).

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ўзбекистонда охириги йилларда кўпроқ тарқалган урологик касалликларнинг эпидемиологияси, диагностикаси, даволаш ва профилактикасига алоҳида эътибор қаратила бошланди. Бу даврда “Ўзбекистонда сийдик тош касаллиги билан касалланиш ва уни камайтириш йўллари” (Юлдашов Ф.), “Самарқанд вилоятида уrolитиаз эпидемиологияси ва бирламчи профилактикаси” (Рахманов Д. К.), “Ўзбекистон Республикасида сийдик тош касалликлари билан касалланишни қиёсий баҳолаш ва баъзи ижтимоий-гигиеник омилларга боғлиқлиги” (Клепов Ю.Ю.), “Ўзбекистонда қишлоқ аҳолиси орасида муҳим урологик касалликларни тарқалганлиги” (Арустамов Д.Л.), “Кўп аҳамиятли урологик касалликларнинг эпидемиологик кирралари, даволаш ва профилактикаси” (Нуруллаев Р.Б.) каби қатор илмий изланишлар олиб борилган.

Ўзбекистонда урологик касалликларни ўрганишда эришилган ютуқларга қарамасдан (Юлдашов Ф., 1998; Рахманов Д. К., 1999; Арустамов Д.Л. ва ҳаммуаллифлар, 2003; Нуруллаев Р.Б., 2005), илмий изланишлар турли хил хусусиятлилиги, кўпчилик саволлар четда қолиб кетиши сабабли, ўрганилаётган муаммони умумий кўринишини тасаввур қилишга имкон бермайди.

Ушбу илмий иш минтақаларда урологик касалликлар устидан назорат қилишда, уларни олдини олиш бўйича мажмуали профилактик-чора тадбирларни ишлаб чиқишга, соғлиқни сақлаш бирламчи бўғинининг ўрнини ва имкониятларини оширишга йўналтирилган бўлиб, ўтган вақт давомида Тошкент тиббиёт академияси урология кафедраси ходимларининг муҳим урологик касалликларни эрта аниқлаш ва даволаш бўйича йиғган тажрибалари натижасида халқаро урология муаммоларини долзарблигини инобатга олган ҳолда бажарилган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг “Орол бўйи минтақасида урологик касалликлар эпидемиологияси ва уларни

камайтиришда бирламчи соғлиқни сақлаш бўғинининг аҳамияти” (2009-2011 йй.) мавзусида илмий-текшириш ишлари режаси асосида бажарилган (Давлат қайд рақами ИДСС 31-10).

**Тадқиқотнинг мақсади** соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғини муассасаларида урологик касалликларни олдини олиш, барвақт аниқлаш, даволашнинг комплекс, тизимли, тиббий-ташкилий тадбирларини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

ўтказилган тадқиқотлар асосида урологик касалликларнинг тарқалганлигини ўрганиш ва эрта ташхислаш имконини берадиган универсал сўровнома ва “Doctor-U” ЭХМ учун дастур ишлаб чиқиш;

прелитиаз ва шаклланган тошларда сийдик тош касаллиги тарқалганлигини ўрганиш, кристалларнинг минерал таркибини аниқлаш;

аҳолининг ёш-жинс гуруҳлари орасида сийдик йўллари инфекцияси тарқалганлигини ва белгиларини аниқлаш;

турли ёш гуруҳларида простата бези хавфсиз гиперплазияси билан боғлиқ бўлган инфравезикал обструкция белгиларини тарқалганлигини, уларнинг ёш ва жинсга хос белгиларини аниқлаш

эпидемиологик текширув давомида аниқланган ёндош урологик касалликларнинг тарқалганлигини баҳолаш;

кристалл ва бирламчи тош ҳосил бўлишини олдини олишга қаратилган профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва уларнинг самарадорлигини аниқлаш;

сийдик йўллари инфекцияси белгилари бўлган беморларга профилактик даволаш комплексини ишлаб чиқиш ва унинг самарадорлигини аниқлаш;

кўпроқ ирритатив симптомлари бўлган простата бези хавфсиз гиперплазияси бўлган беморларда медикаментоз даволаш комплексини ишлаб чиқиш ва самарадорлигини аниқлаш;

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти шаҳар ва туманларида тасодикий усулида 7597 киши тадқиқотга жалб этилган (бу - тиббий кўрикдан ўтиши керак бўлган аҳолининг 87,4% ни ташкил этди).

**Тадқиқотнинг предмети** урологик (буйраклар, сийдик қопи, сийдик йўллари, простата бези, ташқи жинсий аъзолар) касалликлари бўлган беморлар олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот вазифаларини ҳал этиш ва мақсадга эришиш учун эпидемиологик, ижтимоий-гигиеник, умумий клиник, лаборатор, ультратовуш текширувлар, универсал сўровнома, “Doctor-U” ЭХМ учун дастур ва статистик таҳлил усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйдагилардан иборат:

биринчи мартаба экологик ноқулай ҳудудларда (Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм вилояти) асосий урологик касалликларнинг



тарқалганлиги ёш, жинс, иқлим, эколого-географик омилларга боғлиқлиги исботланган;

илк бор урологик касалликларни тарқалганлигини комплекс баҳолаш имконини берувчи универсал сўровнома ва “Doctor-U” ЭХМ учун дастури ишлаб чиқилган;

ишлаб чиқилган универсал сўровнома ва “Doctor-U” ЭХМ учун дастурнинг соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғинида қўллашнинг тиббий-ижтимоий самарадорлиги исботланган;

кенг тарқалган урологик касалликларни (СТК, СЙИ, ПБХГ) ривожланишнинг эрта босқичларида ташхислаш, комплекс даволаш, профилактик тадбирлар ўтказишнинг энг мақбул ҳажмлари, бажариш муддатлари белгилаб берилган;

аҳамиятга молик урологик касалликларни тарқалганлигини скринингдан ўтказиш учун текширув усуллари минимал ҳажми белгилаб берилган;

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

кенг тарқалган урологик касалликларни эрта аниқлаш, аҳолини кўриқдан ўтказишда соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғини шифокорларига скрининг усулидан фойдаланиш тавсия этилган;

аҳамиятга молик урологик касалликларнинг скринингини ўтказиш учун универсал сўровнома ва “Doctor-U” ЭХМ учун дастурни қўллаш тавсия қилинган, бу олинган маълумотларнинг ишончлилигини оширади, уларни таҳлил этишни енгиллаштиради;

универсал сўровномани туман тиббиёт бирлашмалари, ихтисослаштирилган урология маркази ва уларнинг филиалларида урологик касалликларни аниқлаш, аҳолини тиббий кўриқдан ўтказишда қўллашнинг мақсадга мувофиқлиги асослаб берилган;

кенг тарқалган урологик касалликларни эрта аниқлаш, даволаш ва профилактикаси бўйича алгоритм ишлаб чиқилган ва уни умумий амалиёт шифокори фаолиятида кенг қўллаш тавсия этилган;

биринчи маротаба соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғинида кенг тарқалган урологик касалликларнинг профилактикаси, эрта ташхислаш ва комплекс даволаш бўйича тиббий-ташкилий тавсиялар мажмуи ишлаб чиқилган ва амалиётга тадбиқ этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган назарий ёндошув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, кузатувлар ҳажмининг етарлилиги, замонавий эпидемиологик, объектив клиник, нур ташхис усуллари билан асосланган. Статистик таҳлил ёрдамида олинган натижаларнинг ишончлилиги тасдиқланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, олинган хулоса ва киритилган таклифлар, тавсиялар кенг тарқалган урологик касалликларни барвақт аниқлаш, уларни келтириб чиқарувчи омилларни белгилаш, комплекс мажмуий даволаш

хусусиятларини ўрганишга назарий жиҳатдан катта ҳисса қўшишдан иборат. Ишнинг айрим натижалари урологик касалликларни эрта ташхислаш даволаш ва профилактик чора-тадбирларни ўтказиш бўйича магистрлар, клиник ординаторларнинг ўқув дастурларининг таркиби, структураси ва мазмунини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, хавф гуруҳлари: урологик касалликларнинг илк белгилари бўлган превентив профилактика чораларни талаб этувчи шахсларни аниқлаш, соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғинида амалга ошириш учун мўлжалланган профилактик чора тадбирларнинг оптимал комплексини белгилаш ва ишлаб чиқиш, УАШ мутахассислари томонидан энг кўп тарқалган урологик касалликларни (СТК, СЙИ, ПБХГ) эрта аниқлаш, даволаш ва профилактикаси бўйича билимлар ва кўникмаларни ўзлаштириш имконини берган. Соғлиқни сақлаш бирламчи бўғини УАШ амалиётида энг кўп тарқалган урологик касалликларни эрта аниқлаш ва профилактикаси бўйича комплекс тавсияларни жорий қилиш урологик касалликларни кам харажат ва кўпроқ самарадор ташхислаш ва даволаш усулларни қўллаш имконини берган. Кенг тарқалган урологик касалликларни эрта аниқлаш, даволаш ва профилактикаси бўйича алгоритмни умумий амалиёт шифокори фаолиятида қўллаш соғлиқни сақлаш бирламчи бўғини шифокорларига урологик касалликларнинг дастлабки босқичида уларни барвақт аниқлаш ва превентив даволаш ишларини олиб бориш ва кузатиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғини муассасаларида урологик касалликларни олдини олиш, барвақт аниқлаш, даволашнинг комплекс, тизимли, тиббий-ташкилий тадбирларини ишлаб чиқишга бағишланган тадқиқот бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Кенг тарқалган урологик касалликларни эрта ташхислаш» услубий тавсияномасига Интеллектуал мулк агентлигининг жамғариладиган объектлар муаллифлик ҳуқуқи ҳақидаги гувоҳнома олинган (№000057, 2015 йил). Таклиф этилган тавсияномани қўллаш соғлиқни сақлаш амалиётида урологик касалликларни эрта аниқлаш, сийдик йўллари инфекциясининг яширин шакллари, сийдик тош касаллигини дастлабки босқичларида (прелитиаз босқичида), простата беzi хавфсиз гиперплазиясининг илк белгиларини аниқлаш имконини берган;

“Умумий амалиёт шифокори фаолиятида уrolитиазнинг эрта диагностикаси ва бирламчи профилактикаси” номли тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг хулосаси № 8н/221, 2012 йил). Таклиф этилган тавсиялар соғлиқни сақлаш амалиётида уrolитиазни эрта ташхислаш ва профилактикасини ўтказиш имконини берган;

“Умумий амалиёт шифокори фаолиятида простата гиперплазияси эрта диагностикаси” номли тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг хулосаси № 1н/186, 2012 йил). Таклиф этилган тавсиялар

бирламчи соғлиқни сақлаш бўғинида простата беи хавфсиз гиперплазиясининг илк белгиларини аниқлаш имконини берган;

урологик касалликлар устидан назорат қилишда бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятининг сифати ва самарадорлигини ошириш бўйича бажарилган диссертация ишининг олинган натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига: Тошкент шаҳар Олмазор туман тиббиёт бирлашмаси, Хоразм вилояти Янгиариқ ва Янгибозор туманлари тиббиёт бирлашмалари, ҳамда Республика ихтисослаштирилган урология илмий-амалий тиббиёт марказида (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги хулосаси № 814-д/8, 2015 йил) тадбиқ этилган. Урологик касалликларни эрта аниқлаш, ташхислаш, комплекс тизимли даволаш бўйича таклиф этилган тавсиялар ва қўлланмаларни соғлиқни сақлаш амалиётида қўллаш натижасида 75,1% урологик касалликларни бошланғич ва илк даврларида аниқлаш имконини берган, бу эса ўз навбатида тиббий-ижтимоий самарадорликка эришишга олиб келган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 9 та илмий-амалий анжуман, жумладан, 3 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокомадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича 29 та илмий иш нашр қилиниб, улардан 14 та мақола Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган нашрлар рўйхатида киритилган журналларда, шундан 4 таси халқаро илмий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, 5 асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати, иловадан иборат. Диссертациянинг ҳажми 186 бетни ташкил этган.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва аҳамияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий жихатдан яқинлиги ва амалий натижалари баён қилиниб, олинган натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини синовдан ўтганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Кенг тарқалган урологик касалликларни эпидемиологияси ва эрта ташхислаш профилактика тамойилларининг талқини”** деб номланган биринчи бобида адабиётлар шарҳи келтирилган. Унда кўп учрайдиган урологик касалликлар (буйрак тош касаллиги, сийдик йўллари инфекциялари, простата безининг хавфсиз гиперплазияси) ҳақидаги замонавий маълумотлар таҳлил қилинган, аҳоли скрининг текширувининг замонавий усуллари тавсифланган, энг кўп тарқалган урологик

касалликларни эрта ташхислаш ҳамда уларни даволашга бўлган турли ёндашувлар ва бу борадаги муаммолар, улар бўйича турли муаллифларнинг фикрлари келтирилган.

Диссертациянинг «**Клиник материаллар ва қўлланилган тадқиқот усуллари**нинг умумий тавсифи» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот материаллари ва усуллари келтирилган, тадқиқотнинг ҳажми, клиник материалнинг умумий хусусиятлари берилган, умумклиник, ультратовушли ва лаборатория текширувлари тавсифланган. Аҳолини эпидемиологик текширувдан ўтказиш услуги ва даволаш-профилактика чоралари батафсил ёритилган.

Тадқиқот ЎзР Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Илмий тиббий кенгаши ҳузуридаги Этика қўмитаси ҳамда ЎзР Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармакология қўмитаси Хайъати рухсати билан бажарилди.

Эпидемиологик тадқиқотнинг объекти, ҳажми кластер ва тасодикий танлов усуллари ёрдамида аниқланди. Хоразм вилоятида аҳолини эпидемиологик текширувдан ўтказиш учун Янгиариқ туманидаги «Аваз Ўтар» ҚВП ва Янгибозор туманидаги «Уйғур» ҚВП танланди. Қорақалпоғистон Республикасида худди шундай тадқиқотлар Элликқалъа туманидаги «Қирққиз» ҚВП ва Нукус туманидаги «Черёмушка» ҚВП да амалга оширилди. Кўрсатилган ҳудудларга тегишли аҳолининг барчаси ёппасига текширилди.

Тадқиқот 4 босқичда олиб борилди:

1 босқич – универсал сўровнома ва “Doctor-U” ЭХМ учун дастурини ишлаб чиқиш;

2 босқич – РИУИАТМ шароити ва Тошкент шаҳри Олмазор тумани тиббий бирлашмасида сўровномани апробациядан ўтказиш;

3 босқич – Хоразм вилоятида скрининг текширувлари (n=3991) ва даволаш-профилактика чоралари самарадорлигини баҳолаш;

4 босқич – Қорақалпоғистон Республикасида скрининг тадқиқотлари (n=3606) ва даволаш-профилактика чоралари самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқотларнинг биринчи босқичи РИИАТУМ тиббий-даволаш бўлими шароитида ва Олмазор тумани тиббиёт бирлашмасида ўтказилди. РИИАТУМ (n=55) ва Тошкент шаҳар, Олмазор ТТБ (n=77)га шифокор қабулига келган беморлар шикоятларидан қатъи назар текширилди.

Универсал сўровноманинг илк тест синовида иштирок этган беморларнинг ўртача ёши РИУИАТМда  $47,6 \pm 1,21$  ёш, Олмазор ТТБда –  $39,6 \pm 1,21$  ни ташкил этди.

Беморлар тадқиқотга киритиш, ундан чиқариб ташлаш ва унда иштирок этиш ихтиёрига кўра танлаб олинди.

Урологик касалликларга хос (СТК, СЙИ ва ПБХГ) белгиларни аниқлаш имконини берадиган кўп муқобилли саволларни яратиш учун 1991-2010 йиллар мобайнида яратилган инглиз тилидаги мақолалар саралаб олинди. Дастлабки таҳлил ва кейинчалик саралаш жараёнида 33 та савол танлаб олинди, улар тартибга солинди ва таржима қилинди.

Универсал сўровноманинг урологик касаллик белгилари мавжудлигини аниқлашдаги ишончлилиги ва асослилигини аниқлаш учун унинг сезувчанлик, ўзига хослик ва аниқлик даражалари баҳоланди. Сўровномани тўлдириш орқали олинган ахборотнинг ишончлилиги объектив текшириш усуллари натижалари билан таққослаб баҳоланди.

Эпидемиологик тадқиқотлар учун танлаб олинган популяция деярли бир умр мазкур ҳудудда яшаган қишлоқ аҳолиси контингентидан иборат бўлди. 2009 – 2011 йиллар мобайнида ТТА урология кафедраси ҳамда Республика ихтисослаштирилган урология маркази ходимлари томонидан танлаб олинган ҳудудларда 7597 киши текширилди, бу эса текширилиши лозим бўлган кишиларнинг 87,4% ини ташкил этди (1 жадвал).

**1-жадвал.**

**Аҳолининг ҳудудий белгисига кўра тақсимланиши**

ҚВП	Аваз Ўтар	Уйғур	Қирққиз	Черёмушка	ЖАМИ
Ҳудуд аҳолисининг умумий сони	2200	2300	2400	1800	8692
Текширилган респондентлар сони	1943	2048	2034	1572	7597
%	88,3	89,0	84,8	87,3	87,4

Аҳолини текшириш учун Республика ихтисослаштирилган урология илмий-амалий тиббиёт марказида ишлаб чиқилган, урологик касалликлар белгиларини аниқлашга мўлжалланган универсал сўровномадан фойдаланилди. Олинган маълумот махсус ишлаб чиқилган текшириш карталари ёрдамида ҳужжатлаштирилди, у ерга объектив кўрик маълумотлари, ультратовуш сканерлаш натижалари ва тест-чизиқлари ёрдамида бажарилган сийдик таҳлили натижалари киритилди. Олинган барча маълумотлар кейинчалик статистик қайта ишлаш ва ҳисобга олиш учун махсус ишлаб чиқилган “Doctor-U” ЭХМ учун дастурига киритилди.

Сийдик тош касаллиги скрининги учун унинг тарқалиш борасидаги ишончли маълумотларни олиш имконини берувчи касаллик белгиларини аниқлаш лозим бўлди:

- тошларни олиб ташлаш мақсадида бажарилган операциялар ёки бошқа аралашувлар, ёки уларнинг ўз-ўзидан кўчишини ҳисобга олувчи анамнез маълумотлари;
- УТТ ёрдамида ташхисланган буйрак, сийдик йўллари ва сийдик пуфаги тошлари;
- УТТ давомида сийдик чўкмаси микроскопиясида аниқланган буйрак бўшлиқларидаги туз кристаллари,бу пре- ёки микролитиаз белгиси ҳисобланади.

Сийдик тизими органлари УТТ маълумотлари таҳлили чоғида коса-жом тизимининг морфологик ўзгаришлари ва буйрак паренхимасига эътибор

қаратилди (гидронефроз, гидрокаликоз, кистоз ҳосилалар, ўсмалар ва бошқалар), буйрак бўшлиқларда тош белгилари ва туз конгломератлари қайд этилди.

Сийдикни текширишда асосий эътибор микроскопия, нитрит тести ва рН кўрсаткичларига қаратилди. Охирги кўрсаткич кристалларнинг ҳосил бўлиш шароитларини баҳолашда ҳамда профилактик чора-тадбирларни белгилашда алоҳида аҳамиятга эга.

Сийдик чўкмаси микроскопияси сийдик кристалларини аниқлаш, уларнинг минерал мансублиги ва миқдорини белгилашга керак бўлди. Кристаллурия диагнози ҳисоб-китоб камерасида 1 мкл сийдикда  $\geq 3$  кристалл аниқланганда тўғри чиққан, бу 1 мл да  $10^4$  -  $10^5$  ва ундан юқорига тўғри келади.

Скрининг текширув чоғида аниқланган оғриқсиз СЙИ белгилари бўлган шахсларга жиддий эътибор қаратилди. “Сийдик йўли инфекцияси” ташхисини қўйиш учун қуйидаги мезонлар асос бўлган:

- универсал сўровнома бўйича аниқланадиган СЙИ белгилари борлиги;
- УТТ маълумотларига кўра яллиғланиш белгилари мавжудлиги;
- тест-чизиклар ва сийдик микроскопияси ёрдамида аниқланадиган лейкоцитурия ва бактериурия.

ПБХГ скринингини ўтказиш учун қуйидаги методлардан фойдаланилди: махсус универсал сўровнома бўйича респондентларни сўраб суриштириш; олатни ташқи кўрикдан ўтказиш ва простатани бармоқда ректал пайпаслаб кўриш; буйрак, сийдик йўллари ва простатани ультратовуш текширувидан ўтказиш, қолдиқ сийдик мавжудлигини ва ҳажмини аниқлаш, простата ҳажмини аниқлаш; сийдик оқимининг ўртача тезлигини аниқлаш.

Текширув натижаларининг статистик таҳлили махсус ишлаб чиқилган “Doctor-U” ЭХМ учун дастури ёрдамида амалга оширилди. Маълумотларга Intel Inside PENTIUM-IV компьютерлари ёрдамида қайта ишлов берилди. Рақамли маълумотлар вариацион статистика методи ёрдамида қайта ишланди, ўртача арифметик (М), ўртача квадрат (у) катталиклар ва стандарт ( $\pm m$ ) хатолар ҳисобланди. Ўртача арифметик катталиклар фарқ ишончилигини аниқлаш учун t-Стъюдент мезонидан фойдаланилди.

Диссертациянинг «**Урологик касалликларни эрта ташхислаш ва уларнинг тарқалганлигини ўрганиш учун универсал сўровнома ва компьютер дастурини ишлаб чиқиш**» деб номланган учинчи бобида урологик касалликларни эрта ташхислаш ва уларнинг тарқалганлигини ўрганиш учун фойдаланиладиган универсал сўровнома ҳамда компьютер дастури тавсифланган. Тадқиқотнинг биринчи босқичида РИУИАТМ урологларга мурожаат қилган беморлар анъанавий равишда сўраб суриштирилди. Тест натижалари кўрсатишича анъанавий сўров усулида 55 та бемордан 38 (69,1%) таси ўзларида урологик касалликлар белгилари борлигини билдирди, 17 (30,9%) таси – инкор этди.

Текширувнинг иккинчи босқичидаана шу беморларда махсус ишлаб чиқилган универсал сўровнома синаб кўрилди. Натижада 55 та бемордан 40 (72,7%) таси урологик касаллик белгилари борлигини қайд этган бўлса, 15 (27,3%) таси – инкор этди.

Объектив текшириш усуллари ёрдамида аниқланган касаллик белгилари ва сўров натижаларини (анъанавий ёки универсал сўровнома ёрдамида) қиёсий баҳолаш мақсадида иккала тадқиқотдан олинган натижалар иккита тоифага ажратилди: тасдиқлайдиган ва инкор этадиган.

Анъанавий сўров натижасида касаллик белгилари аниқланган 38 ҳолатдан 33 таси объектив текширув усуллари ёрдамида тасдиқланди, 5 та ҳолатда эса урологик касаллик аниқланмади. Анъанавий сўров натижаларига кўра урологик касаллик белгилари аниқланмаган 17 та ҳолатдан 12 тасида объектив текширув усуллари ёрдамида касаллик йўқлиги тасдиқланди, аммо 5 та ҳолатда анъанавий сўров натижалари сохтаманфий бўлиб чиқди.

Анъанавий сўров натижалари ҳамда РИУИАТМда ўтказилган универсал сўровнома ёрдамидаги сўровнинг урологик касаллик белгиларини аниқлашдаги диагностик имкониятларини қиёсий баҳолаш учун иккита турли сўров методларининг сезувчанлик, хусусийлик ва аниқлик кўрсаткичларининг қиёсий таҳлили амалга оширилди. Анъанавий сўров натижасида қуйидаги тест натижалари олинди: сезувчанлик - 86,8%, хусусийлик - 70,6% ва аниқлик - 81,8%.

Универсал сўровнома ёрдамида касаллик белгилари аниқланган 40 та ҳолатдан 36 таси объектив тадқиқот методлари натижасига кўра ўз тасдиғини топди, 4 та ҳолатда эса урологик касалликлар аниқланмаган. Универсал сўровнома ёрдамида урологик касаллик белгилари аниқланмаган 15 ҳолатдан 13 тасида объектив текширув усуллари натижасига кўра касаллик мавжуд эмаслиги ўз тасдиғини топди, аммо 2 вазиятда сўров натижаси сохта манфий бўлиб чиқди. Универсал сўровнома ёрдамидаги қуйидаги тест натижалари олинди: сезувчанлик - 94,7%, хусусийлик - 76,5% ва аниқлик - 89,1%.

Олмазор тумани шароитида универсал сўровномани тестдан ўтказиш методикаси РИУИАТМда ўтказилган тест синовларига айнан ўхшаш бўлди. Тадқиқотнинг анъанавий сўров усули ёрдамида амалга оширилган дастлабки босқичида 77 та бемордан 30 (39,0%) тасида урологик касаллик мавжудлиги аниқланди, 47 (61,0%) тасида инкор этиилган.

Текширувнинг иккинчи босқичида айнан шу беморларда ишлаб чиқилган универсал сўровнома қўлланилди. Натижада, 77 та бемордан 64 (83,1%) таси урологик касалликлар борлигини қайд этдилар, 13 (16,9%) таси инкор этишган.

Анъанавий сўров ёрдамида касаллик белгилари аниқланган 30 та ҳолатдан объектив текшириш усуллари орқали 21 таси ўз тасдиғини топди, 9 та ҳолатда эса урологик касалликлар аниқланмаган. Анъанавий сўров натижасида урологик касаллик белгилари аниқланмаган 47 та ҳолатдан 14 тасида объектив текшириш усуллари орқали касаллик мавжуд эмаслиги ўз тасдиғини топди, аммо 33 ҳолатда анъанавий сўров натижалари сохта манфий бўлиб чиқди. Анъанавий сўров

натijasида куйидаги тест натижалари олинган: сезувчанлик - 38,9%, хусусийлик - 60,9% ва аниқлик - 45,5%.

Универсал сўровнома ёрдамида касаллик белгилари аниқланган 64 ҳолатдан объектив тадқиқот методлари орқали 51 ҳолат ўз тасдиғини топди, 13 та ҳолатда урологик касаллик белгилари аниқланмаган. Универсал сўроқлик натижасида урологик касаллик белгилари аниқланмаган 13 ҳолатдан 10 тасида объектив тадқиқот методлари натижасида касаллик йўқлиги ўз тасдиғини топган, аммо 3 та ҳолатда сўров натижалари сохтаманфий бўлиб чиққан. Универсал сўровнома ёрдамидаги сўровда куйидаги тест натижалари олинган: сезувчанлик – 94,4%, хусусийлик – 56,5%, аниқлик – 79,2%.

РИУИАТМ ҳамда Олмазор ТТБ да ўтказилган турли сўров усуллари натижаларининг қиёсий таҳлили универсал сўровнома кенг тарқалган урологик касалликларни(СТК, СЙИ ва ПБХГ) ташхислашда анъанавий сўраб-суриштириш усулига қараганда кўпроқ сезгирликка, самарадорликка ва ташхислаш аниқлигига эга эканлигини кўрсатди.

Шундай қилиб, диагностик текширувлар мажмуи учун ишлаб чиқилган универсал сўровномани киритиш соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғини амалиётида кенг қўллаш касалликни ташхислаш самарадорлиги ва объективлигини ошириш имконини беради.

Дипломли ва сертификатга эга дастурловчи мутахассис ёрдамида MS Access маълумотлар базасига боғланиб қўйилган компьютер дастури ишлаб чиқилди, у беморлар текширувлари натижаларини кейинчалик уларни қайта ишлаш ва таҳлил қилиш, шунингдек ҳисоботларни MS Excel 97-2003 шаклда шакллантириш мақсадида маълумотлар базасига киритиш имконини беради.

Компьютер маълумотлар базасига беморнинг паспорт маълумотлари, универсал сўровномани тўлдириш натижалари, ультратовушли текширув ва лаборатория тадқиқотлари натижалари, назорат қабул муддатлари ва уларнинг натижалари киритилди (1 расм). Натижада Оролбўйи ҳудуди аҳолисини эпидемиологик текширувдан ўтказиш учун асос яратилди.

1- Расм. Doctor U v1.0.0.1 дастурий таъминотидан скриншот



Диссертациянинг “Оролбўйи худудида урологик касалликларнинг тарқалганлиги” деб номланган тўртинчи бобида универсал сўровнома ва компьютер дастуридан фойдаланган ҳолда Оролбўйи худудида аҳамиятли урологик касалликларнинг тарқалишини ўрганиш натижалари келтирилади.

Хоразм вилояти аҳолиси орасида ўтказилган УТС ва эпидемиологик тадқиқот натижасида 66 кишида сийдик чиқариш йўлларида тош борлиги аниқланди, бу 1000 аҳолига  $16,5 \pm 0,2$  ҳолатни ташкил қилади.

Сийдик йўллари тош касаллигининг тарқалганлиги эркекларда (1000та эркекка  $18,7 \pm 0,3$  ҳолат) аёлларга (1000 та аёлга  $15,1 \pm 0,2$  ҳолат) нисбатан юқори эканлиги аниқланди ( $P < 0,001$ ). Респондентларнинг ёшини ошиб бориши билан уларда сийдик тош касаллигининг тарқалганлиги ортиб бормоқда. Сийдик тош касаллиги тарқалганлигининг энг юқори чўққиси эркекларда 40-49 ёшга (1000та эркекга  $57,8 \pm 1,8$  та), аёлларда эса 50-59 ёшга (1000 та аёлга  $33,3 \pm 1,2$  та) тўғри келди.

Сийдик йўллари тош касаллигининг тарқалганлиги Қорақалпоғистон Республикаси аҳолиси орасида 1000 та аҳолига  $11,1 \pm 0,2$  ҳолатни ташкил қилди. Ушбу кўрсаткич эркекларда ( $12,7 \pm 0,3\%$ ) аёлларга нисбатан ( $10,0 \pm 0,2\%$ ) юқори ( $P < 0,001$ ). Эркекларда сийдик йўллари тош касаллиги энг кўп 50-59 ёшда, аёлларда эса 60-69 ёшда учрамоқда.

Шуни таъкидлаш лозимки, тадқиқотларимиз натижасида сийдик чиқариш йўллари тош касаллигини тарқалганлиги ҳақида олинган маълумотлар, Республика соғлиқни сақлаш вазирлигининг чоп этилган статистик тўпламларидаги рақамлардан Хоразм вилоятида 3,9 марта, Қорақалпоғистон Республикасида 6,9 марта юқори эканлиги аниқланди.

## 2-жадвал

### Тадқиқотларимиз натижаси ва соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумотлари бўйича сийдик йўллари тош касаллигининг тарқалганлиги (100 000 аҳолига)

Кўрсаткичлар	Хоразм вилояти	Қорақалпоғистон Республикаси	Кўрсаткичлар фарқи
Тадқиқотларимиз натижаси (2010-2011)	1653,7	1109,3	544,4
Расмий статистик маълумотлар	428,5	161,1	267,4
Кўрсаткичлар фарқи	+1225,2	+948,2	
Кўрсаткичлар нисбати	3,9	6,9	

Келтирилган маълумотлар аҳолида сийдик йўллари тош касаллиги билан хасталанганлигига қарамасдан, улар ўз вақтида даволаш-профилактика муассасаларига мурожат қилмаётганлигини кўрсатади. Бу беморларни даволаш сифати ва самарасига катта таъсир кўрсатади.

Сурункали белгиларсиз кечувчи касалликларнинг “хаққоний” тарқалганлигини аниқлаш учун, аҳоли орасида махсус тиббий кўриклар ўтказиш орқали эпидемиологик тадқиқотлар ўтказилишини тавсия этамиз, чунки сийдик тош касалликларининг 48,5% (деярли ярми) тиббий кўрик натижасида биринчи марта аниқланди.

Чукур ўрганиш натижаларига кўра, Хоразм вилоятида кристаллурияни тарқалганлиги 1000та аҳолига  $55,1 \pm 0,4$  ҳолатни ташкил этди. Аҳолининг ёши ошиб бориши билан кристаллуриянинг тарқалганлиги ошиб борди. Кристаллурия касаллигининг интенсив кўрсаткичлари аёлларда эркекларга нисбатан юқори. Аммо аҳолининг жинси бўйича турлича таркибини таъсирини бартараф этиш учун стандартлаш усули ёрдамида ҳисобланган стандарт кўрсаткичлар эркекларда (53,6) аёлларга (49,8) нисбатан юқори эканлигини кўрсатди. Демак, тадқиқотга олинган респондентларнинг турли ёш гуруҳлари орасида эркеклар ва аёллар сони бир хил бўлганда эди, кристаллуриянинг тарқалганлигини интенсив кўрсаткичи эркекларда аёлларга нисбатан ишончли равишда юқори бўлар эди. Кристаллуриянинг энг юқори даражаси эркекларда 40 - 49 ёшга, аёлларда эса 50 - 59 ёшга тўғри келди.

Ўрганилган йилларда Қорақалпоғистон Республикаси аҳоли орасида кристаллуриянинг тарқалганлиги ўртача  $61,6 \pm 0,1\%$ ни ташкил қилди. Бу кўрсаткич 30- 39 ёшдан бошлаб кескин кўтарила бориб, унинг энг юқори чўққиси 40-49 ёшга тўғри келди ( $127,7 \pm 1,5\%$ ). 50-59 ёшли ( $100,8 \pm 1,6\%$ ) ҳамда 60-69 ёшли ( $94,2 \pm 2,5\%$ ) аҳоли орасида ҳам кристаллуриянинг тарқалганлиги бирмунча юқори. Қорақалпоғистон Республикаси аҳолисининг барча ёш гуруҳларида (1- 14 ёшдан ташқари) кристаллуриянинг тарқалганлик даражаси эркекларда аёлларга нисбатан ишончли равишда юқори эканлиги аниқланди.

Прелитиазда мақсадли профилактик даволашни қўллаш ва унинг самарадорлигини баҳолаш учун иккала минтақадан 442 та аҳоли танлаб олинди. Ўтказилган даволаш натижасида уларнинг 342 тасида (86,0%) сийдик чуқмасида кристаллнинг йўқолганлиги буюракларни УТС қилиб аниқланди. Турғун кристаллурия мавжудлиги аниқланган 56 та (14%) мижозда (сийдикда аниқланган кристаллларнинг типига боғлиқ ҳолда) профилактик даволаш ва динамик кузатиш олиб борилди.

Хоразм вилоятида сийдик йўллари инфекциясининг тарқалганлиги 1000 та аҳолига  $108,5 \pm 0,5$  ҳолатни ташкил этди. Аҳолининг ёши оша бориши билан сийдик йўллари инфекциясининг тарқалганлиги оша бориб, у асосан 60 ёш ва ундан катталарда юқори. Аёллар орасида сийдик йўллари инфекциясининг тарқалганлиги 1000 та аёлга  $145,2 \pm 0,7$  ҳолатни, эркекларда -  $50,4 \pm 0,5$  ҳолатни ташкил қилди, Хоразм вилоятида аёлларнинг СЙИ касалланиши эркекларга қараганда 3 баровар юқори эканлиги қайд этилди. Қорақалпоғистон Республикасида муайян ёш гуруҳларида аёллар орасида сийдик йўллари инфекциясининг тарқалганлиги эркекларга қараганда даярли 4 баробар юқори (мос равишда 159,6 ва 40,3%).


Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, сийдик йўллари инфекцияси

аниқланган респондентлар орасида сийдик йўллари инфекциясининг белгилари кескин намоён бўлган шахслар билан бирга, бу касалликнинг белгиларини ўзида сезмаган шахслар мавжуд. Сийдик йўллари инфекцияси асоратланмаган беморларга соғлиқни сақлаш тизими бирламчи бўғини шароитида консерватив даволаниш ва санитария - гигиеник профилактик тадбирларни олиб бориш бўйича тавсиялар берилди. Сийдик йўллари инфекцияси асоратлари мавжуд беморларни эса ихтисослашган марказларга юборилди.

ПБХГ белгиларининг тарқалишини 50 ва ундан юқори ёшдаги респондентлар орасида аниқланди. Янгиариқ туманида – 112 та, Янгибозор туманида – 123 та, Элликқалъа туманида – 181 та ва Нукус туманида – 82 та, жами 502 та эркак текширилди.

Респондентларни махсус универсал сўровнома бўйича сўроқ қилиш натижалари, жумладан простата касаллиги белгиларини баҳолаш бўйича халқаро тизим анкетаси (I-PSS) саволларига берилган жавоблар текширувдан ўтказилган беморларда ПСЙС жами қиймати  $1,7 \pm 1,1$  –  $6,1 \pm 3,2$  чегараларида бўлиб, ўртача 3,8 баллни ташкил этган, бу эса белгиларнинг енгил даражасига мос келади. Безовталиқ шкаласи индекси  $-1,1 \pm 0,1$  дан  $2,2 \pm 0,5$  балгача бўлиб (ўртача 1,6 баллни ташкил этади), бу эса ўртача оғирлик даражасидан пастдир (чегаралар 0 – до 6 балл оралиғида баҳоланди).

Таъкидлаш жоизки, ёш ўтиши билан ҳис қилишнинг субъектив ёмонлашуви тенденцияси қатъий равишда ўсиб боради (2 расм).



**2- Расм. Беморлар ёшига кўрасимптомлар баҳосининг йиғма кўрсаткичлари (n=502)**

Хоразм вилоятида эпидемиологик тадқиқотлар ўтказилганда 235 та 50 ёш ва ундан катталарда сийдик оқими ўртача тезлиги 50,2% да пасайганлиги

аниқланди. Постмикцион қолдиқ сийдик 43та (18,3%) эркакларда аниқланди. Простатанинг безининг катталашishi 51,06% ҳолатларда аниқланди.

Қорақалпоғистон Республикасида ўтказилган эпидемиологик тадқиқотлар натижасига сийдик оқимининг ўртача тезлигининг пасайиши текширилганларнинг 49,0% аниқланди. Постмикцион қолдиқ сийдик 19,2% эркаларда борлиги аниқланди. Простатанинг ҳажман катталашуви 51,7%ни ташкил этди.

Таъкидлаш жоизки, ПСЙС (65%) бор беморларнинг аксарияти ўз ҳолатини мақбул ёки умуман олган қониқарли деб баҳоланади ва буни ёшнинг ўтиши билан боғлайди. Улардан фақат 35% таси келажакда бундай белгиларнинг пайдо бўлишига салбий муносабат билдирган. Бу касаллик клиник яққол белгилар билан намаён бўлган ҳолатларда ҳам беморларнинг маълум қисми ўз соғлигига эътиборсиз бўлиб, буни табиийдек қабул қилади ёки ёш билан боғлиқ деб ўйлайди, ва натижада шифокорга мурожаат қилмайди.

Кўрсатиб ўтилган кенг тарқалган урологик касалликлардан ташқари эпидемиологик текширувлар давомида бошқа турли урологик касалликлар аниқланган: сийдик-таносил аъзолари ривожланишидаги туғма нуқсонлар, варикоцеле, буйрак кистаси, сийдик ушламаслик, бепуштлик, энурез ва ҳ.к. Умуман олганда, ёндош, энг аҳамиятли касалликлар аҳолининг 12,6%да қайд этилган. Уларнинг барчасига янада чуқурроқ текшириш ва турар жойига кўра ёки ихтисослашган клиникаларда даволаниш бўйича тегишли тавсиялар берилди.

Шундай қилиб, Оролбўйи худудидаги аҳолини эпидемиологик текширувлардан ўтказишда махсус ишлаб чиқилган универсал сўровноманинг қўлланилиши энг кўп тарқалган урологик касалликларнинг (СТК, СЙИ ва ПБХГ) тарқалиш кўрсаткичларини аниқлаш ва уларни эрта ташхислаш имкониятларини берди.

Диссертациянинг **“Урологик касалликларни олдини олиш комплекс чора-тадбирларини ишлаб чиқиш”** деб номланган бешинчи бобида урологик касалликларни олдини олишга қаратилган профилактик комплекс чора-тадбирларни натижалари баён қилинган.

Хавф гуруҳини ташкил этган 442 нафар прелитиази (кристаллурия) бўлган беморга профилактик даволаш ўтказилди. Улардан 130 (29,4%) нафар бемор Хоразм вилоятининг Янгиариқ тумани аҳолиси бўлса, 90 (20,4%) нафари Янгибозор тумани аҳолиси, 131 (29,6%) нафари – Қорақалпоғистон Республикасининг Эллиққалъа туманида яшовчилар ва 91 (20,6%) таси Нукус тумани аҳолиси бўлган.

Шифокор билан бўлган суҳбатдан сўнг ҳар бир мижозга тавсиялар варақаси берилди. Даволаш профилактика чоралари мажмуи самарадорлигини даволашдан сўнг 12 ой ўтгач баҳоланди.

Прелитиази бўлган беморларга медикаментоз даволашдан ташқари кристалл турига қараб рецидив тош ҳосил бўлишнинг олдини олишни таъминлайдиган дифференциаллашган тавсиялар берилди: ҳаракатчан турмуш


